

# ТЕРМИЗ РЕНЕССАНСЛАР БЕШИГИ





**Mirzayev Jaloliddin Zayniddinovich,**

tarix fanlari nomzodi,  
dotsent

#### **Аннотация:**

*Мазкур мақолада Термиз шаҳрининг Марказий Осиёнинг муҳим тарихий-маданий ва сиёсий марказларидан бири сифатидаги ўрни ҳамда унинг Биринчи ва Иккинчи Ренессанс даврларидаги ҳиссаси таҳлил қилинади. Шаҳарнинг географик жойлашуви, тарихий тараққиёти ва исломий тафаккур ривожидagi аҳамияти ёритилади. Шунингдек, термизлик алломалар фаолияти, саййидлар сулоласи ҳамда Темурийлар даврида Термизнинг тутган ўрни очиб берилиб, унинг минтақа цивилизациясига таъсири асослаб берилади.*

#### **Калит сўзлар:**

*Термиз, Марказий Осиё, Ренессанс, Темурийлар даври, ислом илмлари, саййидлар, маданий мерос, тарихий география.*

## **ТЕРМЕЗ КАК КОЛЫБЕЛЬ РЕНЕССАНСОВ**

#### **Аннотация:**

*В данной статье рассматривается историческая роль Термеза как одного из важнейших культурных и политических центров Центральной Азии и его вклад в формирование Первого и Второго Ренессанса. Особое внимание уделяется географическому положению города, его трансформации в различные исторические периоды и значению в распространении исламской мысли и науки. Освещается деятельность термезских учёных, роль династии саййидов и значение города в эпоху Тимуридов.*

#### **Ключевые слова:**

*Термез, Центральная Азия, Ренессанс, эпоха Тимуридов, исламская наука, саййиды, культурное наследие, историческая география.*

# TERMEZ AS A CRADLE OF RENAISSANCES

## Abstract:

*This article examines the historical role of Termez, as one of the key cultural and political centers of Central Asia and its contribution to the First and Second Renaissance periods. Special attention is given to the city's geographical position, its transformation over time, and its significance in the spread of Islamic thought and scholarship. The study highlights the activities of Termez scholars, the role of the Sayyid dynasty, and the city's importance in the Timurid era, demonstrating its lasting impact on regional civilization.*

## Keywords:

*Termez, Central Asia, Renaissance, Timurid period, Islamic scholarship, Sayyids, cultural heritage, historical geography.*

## Кириш.

Термиз – Сурхондарё вилоятининг маркази, Марказий Осиёнинг қадим замонлардан ўзининг шакл-шамойилларини сақлаб қолган шаҳарларидан биридир. У Марказий Осиёнинг шаклланиши ва тараққиёти жараёнида турли жойларга кўчиб юривчи шаҳарлари жумласига киради. Бинобарин, Термиз деганда турли қисмлари Амударё ва Сурхондарё оралағидаги, шимолда Каттақум билан чегараланган, Амударёнинг қайрилиши натижасида юзага келган учбурчак шаклдаги кенг ҳудудга ёйилган курама, шакл-шамойилларини ўзгартириб турган шаҳарни тушуниш керак. Ҳудуднинг ғарбида қадимги, шарқида ўрта асрлар ва жанубида замонавий шаҳар марказлари барпо этилган Бундай курамалик Марказий Осиё шаҳарларининг ўзига хос хусусияти бўлиб, улар урушлар, иқтисодий инқироз туфайли ёки сув танқислиги оқибатида бир жойдан иккинчи жойга кўчишган<sup>1</sup>. Шаҳар ҳар қандай замон ва маконда ўз даврининг тимсоли бўлиб, ижтимоий–сиёсий жараёнларнинг, иқтисодий тараққиётнинг ва маданиятнинг, умуман барча соҳаларининг ютуқ ва камчиликларини ўзида мужассамлаштиради. Айни вақтда Тер-

миз қадим замонлардан ҳозирги Сурхондарёнинг катта қисмини ўзининг ичига олган тарихий-маданий вилоят ҳамдир. Бу ҳудуднинг юраги кўҳна тарих ғилдирағида ҳам, ҳозирги кунларда ҳам Термиз шаҳри бўлиб келмоқда. Шунинг учун ҳам, Сурхондарё ҳудудидан етишиб чиққан юзлаб алломалар Термизийлар нисбаси билан юритилади.

Термиз буюк йўллар чорраҳасида, қадимги Бақтриянинг қоқ марказида, тарихнинг афсонавий даврларида Ўқуз номи билан юритилган Амударёнинг ўнг қирғоғида жойлашган. Бундан бир неча минг йиллар аввал дарёнинг иккала қирғоғида ўзига хос маданият шаклланди ва у кейинчалик Шарқ ва Ғарб маданиятларининг ўзаро қорилишига вужудга келтирди. Термиз бутун тарих жараёнида инсоният тафаккури маҳсулоти бўлган турли маданиятлар юзмаюз бўлган, уларнинг ўзаро уйғунлашган маконидир. Мустиқлик йилларида эса Термиз тараққиётнинг янги босқичига ўтаётган Ўзбекистоннинг жанубий дарвозасига айланди.

## Адабиётлар таҳлили:

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, юртимиз замини қадимда икки буюк уйғониш даврига — Биринчи (маърифий — IX-XII асрлар) ва Иккинчи (Темурийлар — XIV-XV асрлар) Ренессансга бешик бўлган<sup>2</sup>. Мазкур жараёнларда Термиз ва Термизийлар бетакрор из қолдирган.

Биринчи уйғониш даври Исломи таълимоти ёйилиши натижасида юзага келган маънавий янгиликлар билан боғлиқ. Аввалига бу ўзгаришлар Шарқ сиёсий харитасида, кейинчалик ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларида намоён бўлади. Мазкур жараёнда Термизнинг Исломи дунёсига қўшилиши муҳим аҳамият касб этди<sup>3</sup>.

Хуросон волииси Абдуллоҳ ибн Хозим Суламийнинг ўғли Мусо 689 йилда Термизга келиб, шаҳар назоратини қўлга олади. Халифалик шарқида қим марказий ҳокимиятга қарши бош кўтарса, Термизга келиб, паноҳ топар эди. Арабларнинг ва маҳаллий аҳолининг турли гуруҳлари Термизга – Мусонинг олдига келиб, унга қўшиладилар. Натижада, Мусонинг қўлига кўпайиб, улар атрофидаги ерларга юришлар қила бошлайдилар. Мусо ибн Абдуллоҳ маркази Термизда бўлган деярли бутун Мовароуннаҳрга ҳукмронлик қилган амирликни шакллантирди. Масаланинг бошқа томони ҳозиргача тадқиқотчилар эътиборидан четда қолиб кетмоқди. Араблар маҳаллий ҳукмдор билан оилавий қаттиқлик кетишга ҳаракат қилишади. Абдуллоҳ ибн Хозим ўзи эгаллаган Аббасид ҳокимининг қизига уйланади. Абдуллоҳ ибн Хозимнинг ўғиллари Мусо билан Нуҳнинг онаси Аббасид шаҳри ҳукмдорининг қизи эди. Шунинг учун ҳам Мусо араблар билан аҷамлар симбиозининг

1 Ртвеладзе Э.В. Термиз ва унинг ўрта Осиё тарихидаги ўрни. Термиз. Термиз. Буюк йўллар чорраҳасидаги кўҳна ва янги шаҳар. Тошкент: Шарқ, 2001. 9 бет.

2 <https://www.gazeta.uz/uz/2021/08/17/renaissance/>

3 Мирзаев Дж.З. Термиз – первый мусульманский город Мавараннахра // Uzbekistan's contribution to the development of Islamic civilization. Abstracts of the papers and addresses to the International Conference devoted to announcement of Tashkent as a capital of Islamic Culture for 2007 by the ISESCO.-Tashkent-Samarqand: Publishing Center oh al-Imam al-Bukhari, 2007.С.173-175.

янги шаклланиётган, қабилачилик хурофотларидан холи Ислом умматининг тимсоли эди. Шундай қилиб, Термиз 689 йилда Амударёнинг шимолий томонидаги биринчи мусулмон шаҳрига айланади. Бундан аввал ҳам Ислом лашкарларининг зафарли юриши Мовароуннаҳрда кузатилган бўлса-да, улар вақтинчалик аҳамият касб этади. Мусулмонлар томонидан Амударё ва Сирдарё ораллигига берилган ном “*Мовароуннаҳр*” - “дарёнинг нариги томонидаги ер” атамаси, Термиз номининг кўчирмаси бўлиши мумкин. Чунки, **австро-венгер олимни Вильгельм Томашек**(1841—1901) Термиз (у шаҳарнинг номини *Tarmidh, Termiz* шаклида келтиради) номининг келиб чиқишини бактр тилидаги *taro-maetha* – “нариги томондаги манзилгоҳ” тушунчаси билан изоҳлаш мумкинлигига ишора қилади<sup>4</sup>. **Аввал бошдан Термизда Ислом кадрляларининг ёйилиши ўзига хос кўринишга эга бўлади. Шаҳарда араб халифалигидан мустақил исломий ҳудуд шаклланиб, унинг етакчиси амир Мусо ибн Абдуллоҳ қисқа муддатда бўлсада бутун Мовароуннаҳрга ўз ҳукмронлигини ўрнатишга муваффақ бўлади. Амалда Мусо халифаликдан мустақил мусулмон давлати тузишга мувофиқ бўлади. Мазкур жараёнга XIX асрда яшаб ўтган инглиз олимни Вильям Мьюр (1819 — 1905) Халифалик тарихига бағишланган фундаментал асарида Мусонинг мустақил равишда Ғарб ва Шарқни бирлаштирадиган буюк йўлларга эгаллик қилганлигини алоҳида қайд этади<sup>5</sup>.**

### Тадқиқот методологияси.

Ислом ақидалари Мовароуннаҳрда янги шакл шамоиллар билан бойитилиб, кучли мафкурага айланади. Бу жараёнда юртимиз вакиллари илмий маърифий фаолияти билан бутун Ислом дунёсининг етакчилари сифатида муҳим рол ўйнайди. Мовароуннаҳрда Исломни биринчи бўлиб қабул қилган шаҳар - Термиздаги диний баҳсларовозаси VIII асрнинг биринчи ярмидаёқ мусулмон оламига тарқалади. Бутун ислом дунёсида бўлганидай Термизда ҳам турли оқимлар курашини кузатиш мумкин. Лекин шаҳарда келажакда кенг тарқалган ханифийлар мазҳабининг тарафдорлари устивор бўлганлар. Хусусан, манбаларда 748 йилдаёқ Абу Ҳанифа (вафоти 767) билан Термизнинг бўлажак қозиси Ҳолид ибн Зийёд мулоқотда бўлганлиги қайд этилади. У юз ёшида Термиз қозиси лавозимида вафот этгач, унинг ўғли Абдулазиз ибн Ҳолид отасининг ишини давом эттиради. 796 йилда сиёсий-ғоявий кураш оқибатида, минтақада жаҳимийлар вақтинчалик ҳукмронлик ўрнатишганида, Абдулазиз Фарғонага бадарға қилинади. Манбаларга кўра Фарғона ва Тошкентда ислом динининг маҳаллий аҳоли ўртасида кенг ёйилишида Абдулазиз ибн Ҳолид Термизийнинг хиссаси катта бўлган. Кейинчалик у Марв шаҳрининг бош қозиси бўлган. Умуман, шу даврда Термизлик уламолар ислом тафаккурининг турли йўналишларида етакчилик қилишади. Кўплаб Термизийлар ҳадис илмида Али ибн Ҳасан Термизий, Солих ибн Абдуллоҳ Термизий, Солих ибн Муҳаммад Термизий, Муҳаммад ибн Исмоил

Термизий ханбалийлар оқимида, Муҳаммад ибн Аҳмад Термизий шофиийлар мазҳаби йўналишида диққатга молик фаолият кўрсатганлар. Натижада Термизда шундай ижодий ва ғоявий муҳит шаклландики, у улкан салоҳиятли алломалар етишиб чиқадиган масканга айланади. Жумладан, Имом Термизий ва Муҳаммад Ҳаким Термизий, Саййид Бурҳониддин Термизий, Саййид Али Шоҳ Термизий каби алломалар бутун мусулмон дунёсида ном қозониб, ислом маънавиятининг ривожланишига катта ҳисса қўшдилар. Ўзининг муҳим мафкуравий марказ аҳамиятини Термиз ўрта асрлар давомида ҳам сақлаб қолди. Термиз саййидлари хонадонининг вакиллари салоҳияти бутун ислом дунёсида эъзозланиб келинди.

XIV - XV асрлар шаҳар ҳаётининг энг юксак даври бўлди. Янги Термиз эски шаҳардан майдони жиҳатидан тўрт баробар катта эди. Дунёнинг кўплаб шаҳарларни кўрган испан элчиси Рью Гонсалес де Клавихо Термизнинг улкан ҳудудини кўриб ҳайратга тушган эди. Унинг учун Самарқанд подшолиги Термиздан бошланган. Лекин бундай юксалишга осонлик билан эришилмаган, унинг замирида мустақиллик учун узоқ давом этган кураш ётади.

Термиз саййидлари хонадоннинг етакчиси Худованзода Абу-л Макарим Аъло ал-Мулк – “Амир аш-Шаҳид”(1292-1344) Термиз ҳокими бўлиб, муғулларга қарши мустақиллик курашида фаол иштирок этган. Унинг ўғиллари ва жианлари манбаларга кўра Амир Темур ҳаёти ва фаолиятида муҳим аҳамият касб этишади. Нашр этилган шажаралардан бирига кўра Амир Темурнинг илк умр йўлдоши Хонзода Олий-Насаб бўлган. Термиз саййидларининг шажарасига кўра Аъло ал-Мулкнинг шундай исмли жиани ва кизи бўлган. Шу боис Амир Темур ҳаёти ва фаолиятининг саҳифалари Термиз билан чамбарчас боғланиб кетганлигини тушунтириш мумкин. Амир Темур ҳокимият учун кураш бошланганида ҳам, унинг энг зафарли кунларида ҳам Термизийлар Соҳибқироннинг сафдошлари бўлган. Жумладан, манбаларда Аъло ал-Мулк «Шаҳид»нинг ўғиллари Шамсиддин, Алоуддин, Абул Маали ва Али-Акбар Амир Темур билан бирга бўлганлиги қайд этилади. Амир Темур ва унинг авлодлари саййидлар билан оилавий алоқада бўлган. Мазкур воқелик тарих давомида ўз исботини топади: кўплаб Темурийлар саййидлар билан никоҳлар воситасида қариндошчилик ришталарини боғлаганлар. Ўзаро никоҳлар натижасида Темурийлар ва саййидлар хонадони чамбарчас боғланиб кетганлар. XIV асрнинг ўрталарига келиб муғул хонлари ўртасида ҳокимият учун кураш тинимсиз урушларга сабаб бўлади. Шундай урушлардан бирида, ҳижрий 761 (милодий 1359-1360) йилда Муғулистон ҳукмдори Туғриқ Темурхон Мовароуннаҳрга бостириб қиради. Кеш вилоятининг ҳукмдори Ҳожи Барлос унга қаршилик кўрсатмай, яқинлари билан Хуросонга кетади. Юртга бошчилик қилиш 24 ёшлик Амир Темур зиммасидада қолади. Қийин вазиятдан чиқиш учун, мамлакатни вайро-

4 Tomaschek W. Zentralasiatische Studien I. Sogdiana // SPAW. Wien, 1877. Bd. LXXXVII. S.27(91).

5 Мьюр В. Халифат: его расцвет, упадок и конец. Эйнбург: John Grant, 1924. С. 301.

начилик ва таланишдан сақлаш мақсадида Амир Темур Туғлик Темурхон ҳузурига равона бўлади. Муғулистон ҳукмдори ўз хоҳиши билан келган Амир Темурни яхши кутиб олади, ҳамда унга бир вилоятни топширади. Манбаларда қайд этилишича, Кешдан Амударёгача бўлган ҳудудлар Амир Темур тасарруфига ўтади. Лекин Амир Темурнинг ҳокимиятини Эски Термизда ўрнашиб олган шайх Али Жаржарий тан олмайди. Унга қарши чора кўриш учун Амир Темур қўшин билан келиб, рақибини яқсон қилади. Амир Темур юрт етакчиси сифатидаги илк ғалабасининг белгиси сифатида, ўша давр қонун қондаларидан келиб чиқиб, ўзининг тангасини зарб қилдирган. Орадан бир йил ўтгач, Туғлик Темурхон аҳдига вафо қилмай, Мовароуннаҳрни бошқаришни ўғли Илёсга топшириши натижасида Амир Темур мустақиллик учун курашга киришади. Бу жараёнда Термиз ва Термизийлар янги барпо этилаётган давлатнинг сиёсий-ғоявий таянчларидан бирига айланади. Охир-оқибат ғалабага эришган Амир Темур ўз давлатчилигининг рамзий тимсоллари бўлмиш ноғара ва туғни Саййид Барака қўлидан Термиз яқинида олган эди. Манбаларда Соҳибқироннинг Термизга бўлган муносабатини ўзида мажассамлаштирилган воқеалар кўп келтирилади. Жумладан, 1379 йили Урганч қамали шароитида Хоразм ҳокими Юсуф Сўфи Амир Темурни яккама-якка жангга чақиради. Соҳибқирон таклифни қабул қилиб, калъа хандаки олдига бир ўзи етиб келади. Рақиб чақирғидан тониб, жанг майдонига чиқмайди. Кўп ўтмасдан Амир Темур қароргоҳига Термиздан қовун келтиришади. Соҳибқирон олтин патнисда рақибига қовун юборади. У эса қовунни сувга улоқтириб, патнисни мулозимларидан бирига совға қилади. Амир Темур Юсуф Сўфига Термиздан келтирилган қовунни юбориб, унга номардлик қилиб жанг майдонига чиқмаганлиги сабабли, номақбул хатти-ҳаракатига чуқур рамзий ишора қилади. Бу имода мардлар шаҳридан келган қовунни еб, сенга ҳам озгина мардлик юқсин таъбиридаги шама ётарди. Бу воқеада Амир Темурнинг ботирлиги билан чуқур заковати ҳамда Термизга бўлган муносабати намоён бўлади. Муаррих Ғиёсиддин Алининг далолатига кўра, Амир Темурнинг Ҳиндистон юришида Лиховар шаҳрига юришидан аввал таслим бўлишни таклиф қилиб, элчи сифатида ака-ука саййидлар юборилади. Шаҳар аҳли сулҳ тузишга рози бўлади ва совға сифатида гапирувчи икки тўти юборади. Қизиғи шундаки, Амир Темур замонасида ёзилган, бизгача етиб келган манбаларнинг энг қадимгисидан келтирилган бу воқеада Соҳибқирон атамаси биринчи марта ишлатилган. Ҳижрий 801 йилнинг 21 ражабида – 1399 йил 29 мартида Ҳиндистон юришидан қайтаётган қўшин ўша давр манбаларининг тили билан айтганда, Термиз дарёси, яъни Амударё қирғоғига етиб келади. Дарёнинг нариги қирғоғида Соҳибқиронни Улуғбек, маликалар ва анъёну-ақобирлар кутиб олишади. 22 ва 23 ражиб кунлари Амир Темур Термизда бўлади. 23 ражаб куни – 31 марта зафар кучган қўшин шарафига Термиз саййидлари катта тўй беришади. Эртаси куни ғолиб қўшин сафарини давом эттиради.

## Таҳлил ва натижалар.

Ҳар келганида Амир Темур дунёни маърифати нури билан ёритган, мардлиги билан ҳайратга солган шу табарруқ маскан улуғларининг руҳини шод қилиб, уларнинг қабрларини зиёрат қилган. Соҳибқирон ва унинг авлодлари салоҳияти бутун ислом дунёсида эъзозланиб келинган Термиз саййидлари хонадонининг вакилларига алоҳида эҳтиром кўрсатишан. Уларнинг азалий ҳилхонаси Султон Саодат, Муҳаммад Ҳаким Термизий мақбараси ҳудудида Темурийлар даврида катта қурилиш ишлари олиб борилган. Масалан, Муҳаммад Ҳаким Термизий мақбарасидан топилган ёзувлар асосида 1390 йилда мажмуага шарқ томонидан янги бино қурилганлиги аниқланади. Алломанинг қабр устидаги Бутун Шарқ маданиятининг ноёб дурдонаси ҳисобланган сағана тоши ҳам шу пайтда қўйилган бўлиши керак. Ҳар ҳолда унинг Темурийлар даврига тегишли эканлиги шак-шубҳасиздир. Термиз археология музейида археологик изланишлар натижасида топилган, темурийлар даврига оид ўзига хос услубда сополдан ишланган шахмат доналари, уй-рўзгор бумлари коллекцияси, жангчи совути, тангалар коллекцияси минтақада ҳунармандчиликнинг юксак даражада ривожланганлигидан дарак беради. Маҳаллий усталар Соҳибқироннинг кўрсатмаси билан ҳаттоки Амударё устига кўприк қурганлар. Ўша давр шоирлари таъкидлаганидек

Чу Термизка етти шахи мўътабар,

Тилади ўшул ерда аҳли хунар.

Йасагай суви устида куфруки равон

Ким ўтгайлар андин черики аён.

Сомонийлар давридан Термиз саййидлари ҳудовандзода фахрий унвонига сазовор бўлишган. Айнан шу маънода, лекин бошқа кўринишда Темурийлар даври манбаларида Термиз саййидлари “хонзода”, XV асрнинг иккинчи ярмидан эса “мирзо” унвонлари билан шарафланганлар. Амир Темур ўзининг авлодларига саййидларни азиз тутишни васият қилиб кетган. Темурийлар бу васиятга содиқ бўлиб Самарқандда Шох Зиндада Термиз саййидларининг вакиллари дафн этган бўлсалар, Шаҳрисабзда Улуғбек томонидан 1437 йилда барпо этилган, асли номи «Авлоди муборак» бўлган - Гумбази Саййидон мақбараси Термиз саййидларининг даҳмасига айланган. «Султон Содот» Абул Маолий 1459 йилда вафот этган ва Гумбази Саййидонда дафн этилади. Саййиднинг қабритошида Термиз саййидларининг шажараси келтирилган. XV асрда Термиз саййидларининг раҳнамоларидан бири бўлган Аъло ал-Мулк Термизий – “Амири Бузург” тахаллуси билан машҳур бўлиб, “Бобурнома” да у Мир Бузург Тирмизий номи билан келтирилган. Ўз замонсининг машҳур кишиларидан бўлган Мир Бузург кўплаб тарихий манбаларда тилга олинади. Масалан, Алишер Навоий «Ҳолати Паҳлавон Муҳаммад» асаридан Паҳлавон Муҳаммаднинг (1423-1493) мусикада тенги йўқлигини таърифлар экан, у яратган «Чахаргоҳ» куйи Мавлоно Тутий шеъри билан Мир

Бузург номига аталганлигини кўрсатади<sup>1</sup>. Унинг укаси «Султон Содот» Абул Маолий Шахрисабздаги Гумбази Саййидонда дафн этилган. “Бобурнома” матнида Термиз саййидлари етакчисининг тахаллуси “Мир Бузург” форс тилидаги шаклининг келтирилиши, айти вақтда унинг арабча «Султон Содот» шакли билан бирга ишлатилганлиги, бошқа манбаларни таҳлил этишда муҳим аҳамият касб этади. Темурий шахзодаларнинг кўпчилиги Термиз саййидлари хонадонидан уйланишган. Мовароуннаҳр султони Султон Аҳмад ибн Абу Саид (1469–1494) 1487 йилда Хонзодабегимни ўз никоҳига олади. Беш яшар Бобур Мирзо никоҳ тўйдан кейин келинчакнинг юзини очганлигини, кейинчалик, “Бобурнома” да шундай эслайди: “Ҳануз юз ёпуғи бор эди. Туркий расм била манга буюрдилар, мен юзини очтим”<sup>2</sup>.

Мовароуннаҳрнинг кейинги султони Абу Саид мирзонинг ўғли Маҳмуд Мирзо (1453 – 1498) Амири Бузург Термизий кизига уйланган. “Бобурнома” да шундай келтирилади: “Улуғ хотуни Мир Бузург Термизийнинг қизи Хонзодабегим эди. Мирзо бисёр севар эди. Султон Масъуд мирзонинг онаси эди. Ул ўлганда мирзо жуда бисёр қаттиқ таъзия тутқондир. Андан сўнг Мир Бузургнинг набираси – Хонзодабегимнинг биродарзодасини олди. Ани ҳам Хонзодабегим дер эдилар. Беш қиз ва бир ўғилнинг онаси эди”. Кейинчалик, Маҳмуд Мирзонинг Хонзодабегимдан бўлган кизини – Зайнаб Султон бегимни Бобур Мирзо ўз никоҳига олган.

### **Хулоса ва таклифлар.**

Шайбонийхон Мовароуннаҳрда ҳукмронлигини ўрнатгач, саййидлар хонадонининг кўплаб вақиллари Бобур Мирзо билан Ҳиндистонга кетадилар. Улардан бири, Термиз ҳокими Саййид Ҳусайн Акбар - Амири Бузургнинг невараси «Бобурнома»да бир неча бор тилга олинган. Фақатгина бир манбадан, «Бобурнома»дан Саййид Ҳусайн Акбарнинг, Темурийларга яқин қариндош бўлганлиги, шунингдек, Термиз ҳокими бўлганлиги маълум. Амир Темур ва темурийлар даври шаҳар маданиятининг ёрқин намуналарига архитектура ёки турли асори атиқалар билан бир қаторда, Термиздан чиққан энг машҳур рассом Мир Саййид Али ижодини ҳам кўрсатиш мумкин. Манбаларда келтирилган маълумотлар Амир Темур ва темурийлар даврида Термиз ва Термизийларнинг иккинчи ренессанс шаклланиши ва ривожланишидаги ҳиссасини ёритишга имконият беради. Амир Темур ва Темурийлар салтанати таянчларидан бири бўлган Термиз мустақиллик йилларида ўзининг муносиб ўрни ва салоҳиятини тиклаб, Ўзбекистоннинг жанубий дарвозасига айланди. Термиз шаҳрининг Амир Темур ордени билан тақдирланиши тарихнинг улуғ мураббийлик хусусиятини яна бир бор кўрсатиб, қалбимизда ғурур, ифтихор ва фахрланиш туйғуларини қучайтирди, онигимиз ва шууримизда Ватанга муҳаббат туйғусини мустаҳкамлайди.

1 Алишер Навоӣ. 1999. Ҳолати Паҳлавон Маҳмуд. Алишер Навоӣ. Мукамал асарлар тўплами. 15-жилд. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси «Фан» нашриёти. Тошкент. – 129– 149 б.

2 Заҳириддин Муҳаммад Бобур. 2002. Бобурнома. Бобур Халқаро жамоат фонди. Саидбек Ҳасанов нашри. –Тошкент: “Шарқ”. 1993. –20 б.